



СЕУЛДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жанубий Кореяга амалга оширган давлат ташрифи нафақат сиёсий ва иқтисодий доираларда, балки шу ўлкада яшаб, фаолият юритаётган ватандошларимиз қалбида ҳам чуқур акс-садо берди.

Сеул шаҳрида ватандошлар билан ўтган самимий учрашув ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

► (Давоми 3-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилишида депутатлар "2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисида"ги ҳукумат ҳисоботини кўриб чиқишди.

► (Давоми 2-бетда)

СПОРТ



ДУНЁ ШАХМАТЧИЛАРИ – САМАРҚАНДДА

Қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳридаги "Silk Road Samarkand" халқаро туризм марказида расман старт берилган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси яна бир бор бутун дунё аҳли нигоҳини юртимизга қаратди.

► (Давоми 8-бетда)



МУНОСАБАТ

ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК



СИЁСИЙ ПУЛЬС

ЎЗГАРИШЛАР – ЖАДАЛ СУРЪАТДА



ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ



СУВ-ТАЪМИНОТИ – ФАҚАТ ҚАМРОВ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ

Инсон учун тоза сув ҳаёт-мамат аҳамиятига эга масаладир.

Бежизга сувни ҳаёт манбаи дейишмайди. Кундалик турмуш тарзимизга назар ташласак, сувнинг қанчалик муҳим эканини кўрамиз. У ош-овқатимиздан тортиб, уй-жойимизни обод қилиш, кийим-кечакларимизни ювишдан тортиб, боғ-томорқаларимиз ва экинларимизни парваришлашгача бўлган барча юмушларимизда керак.

► (Давоми 5-бетда)

СЎЗ – ФАОЛЛАРИМИЗГА!

"ДЕПУТАТ МАҲАЛЛАДА" ЛОЙИҲАСИ ОДАМЛАРНИНГ ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛМОҚДА

Бир неча йиллардан бери партияимиз тизимида "Депутат маҳаллада" лойиҳаси ўтказиб келинмоқда. Бу лойиҳанинг мақсади шунчаки депутатнинг маҳаллага бориши, учрашув ўтказиши ёки аҳоли билан суҳбатлашиши эмас. Бу хонадонларнинг эшигини қоқиш, муаммоларни ўз кўзи билан кўриш, одамларни ўйлантираётган масалаларни уларнинг ўзидан эшитиш, эҳтиёжларини жойида ўрганиш демакдир.



► (Давоми 4-бетда)

АКС-САДО

ФАРОВОНЛИК АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДИНИ ОШИРИШДАН БОШЛАНАДИ



ЯЛПИ МАЖЛИС

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳукумат ҳисоботи аввал сиёсий партиялар фракциялари, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам атрофлича муҳокама этилди. Депутатлар томонидан берилган саволларга вазирликлар вакилларининг жавоблари эшитилди. Фракция аъзолари ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағларнинг қанчалик самарали сарфланганига алоҳида эътибор қаратишди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари партия Сайловолди дастури ва сиёсий ғоялари билан бевосита боғлиқ бўлган ушбу соҳаларда амалга оширилган ишлар натижадорлигига жиддий эътибор қаратиб, Ҳукумат вакилларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди.

Жумладан, депутат Ш. Аҳмедов мактабгача ва мактаб таълими тизими мутасаддиларидан мактабларда дарсликларни янгилаш ҳамда янги ўқув йилида ўқувчиларнинг дарслик билан таъминланиш ҳолати қандайлиги ҳақида атрофлича маълумот беришини сўради.

Фракция аъзоси Қ. Қосимова соғлиқни сақлаш билан боғлиқ масалага аҳамият қаратди. Жумладан, онкология, кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш, оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини таъминлаш ҳамда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш каби тиббиётнинг энг жиддий йўналишларига ажратилган маблағларни ўзлаштириш даражаси паст эканлигининг сабаблари билан қизикди.

Депутатларнинг ҳар бир саволига Ҳукумат вакилларининг жавоблари тинглангач, Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2026 йил I ярим йилликдаги ижросига оид Ҳукумат ҳисоботидаги айрим камчиликларни бартараф этиш ва ажратилган маблағларни соҳаларга тизимли йўналтириш зарурлиги таъкидланди.

Ялпи мажлисда ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазири Ж. Қўчқоров тақдим этди.

Таъкидланганидек, жаҳон иқтисодиётида ноаниқликлар ва хавф-хатарлар сақланиб қолаётган мураккаб шароитда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар макроектсодий барқарорлик ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш имконини берди.

2026 йилнинг биринчи ярим йиллигида мамлакат ялпи ички маҳсулоти 8,5 фоизга ўсиб, бундай ўсиш суръатлари бозор хизматларида 16,9, саноат ишлаб чиқаришида 8,0, қурилиш ишларида 13,8 ва қишлоқ хўжалигида 4,7 фоизни ташкил этган. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида йил бошига нисбатан инфляция даражаси 3,3 фоизгача пасайди.

Асосий капиталга инвестициялар 17,5 фоизга ошиб, 338,9 трлн сўмни ташкил этди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 12,4 млрд долларга етди. Экспорт ҳажми олтин экспортини ҳисобга олмаган ҳолда 31,6 фоизга ўсиб, 14,4 млрд долларни ташкил этди.

Давлат бюджети даромадлари 207,4 трлн сўмга етказилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 63,2 трлн сўмга ошди. Бевосита солиқлар 77 трлн сўмни (+75,1%), билвосита солиқлар 61,6 трлн сўмни (+20%), ресурс ва мол-мулк солиқлари 29,1 трлн сўмни (+48,7%) ташкил қилди.

Маҳаллий бюджетларда 6,2 трлн сўм қўшимча манбалар шакллантирилди. Бюджет харажатларининг 51,5 фоизи ёки 105,8 трлн сўми ижтимоий соҳани молиялаштиришга йўналтирилди. Бунда таълим соҳасига 49,5 трлн сўм, соғлиқни сақлашга 22,7 трлн сўм, нафақа ва моддий ёрдам тўловларига 7,3 трлн сўм ажратилди. Барқарор ривожланиш миллий мақсадлари тамойиллари доирасида харажатларнинг 78,5 фоизи (161,3 трлн сўм) миллий барқарор ривожланиш мақсадларига йўналтирилди.

Депутатлар томонидан ушбу натижалар Президент

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида иқтисодий ўсиш ва молиявий барқарорликни таъминлаш, энг аввало, аҳоли турмуш шароити ва фаровонлигини юксалтириш, барқарор даромад манбаларини кўпайтириш ва камбағалликни қисқартириш борасида олиб борилаётган тизимли ва изчил ислохотларнинг амалий самараси экани алоҳида эътироф этилди.

Бу, айниқса, давлат ўз зиммасига олган ижтимоий мажбуриятларини тўлиқ бажараётганлигида намоён

““

ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ АВВАЛ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ, ХУСУСАН, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ ЙИҒИЛИШИДА ҲАМ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ. ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН САВОЛЛАРГА ВАКИЛЛАРИНИНГ ЖАВОБЛАРИ ЭШИТИЛДИ. ФРАКЦИЯ АЪЗОЛАРИ ИЖТИМОИЙ СОҲАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҚАНЧАЛИК САМАРАЛИ САРФЛАНГЕНИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШДИ.

бўлмоқда. Ижтимоий соҳа харажатлари 8,7 фоизга ўсиб, жами харажатларнинг 51,5 фоизини ташкил этгани, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва кўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ва яшаш шароитини яхшилаш борасидаги дастурлар ва лойиҳалар тўлиқ молиялаштирилаётгани бунинг яққол далили.

Муҳокамалар давомида депутатлар Давлат бюджети ижроси борасида айрим соҳаларда бюджет маблағларининг ишлатилиши ва мақсадли кўрсаткичларга эришилиши ҳолатига ҳам алоҳида эътибор қаратишди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича ипотека кредитларига 814,2 млрд сўм субсидия берилгани, “Ташаббусли бюджет” тадбирларига 3,2 трлн сўм ажратилгани, ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини яхшилашга 837,2 млрд сўм йўналтирилгани аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бюджетдан ажратилган 13,0 трлн сўмлик субсидияларнинг 5,5 трлн сўми ижтимоий аҳамиятга эга

соҳаларга (нодавлат мактабгача таълим муассасалари, жамоат транспорти, ижара ва контракт тўловлари), 5,0 трлн сўмга яқини энергетика ва иссиқлик таъминотида тарифлар фарқини қоплашга йўналтирилгани ижобий баҳоланди.

Мажлисда депутатлар томонидан Ҳисоб палатаси ҳулосасида қайд этилган тизимли муаммолар ва маблағлардан фойдаланишдаги камчиликларга танқидий муносабат билдирилди. Жумладан, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратилган марказлашган инвестиция харажатлари режага нисбатан 88,6 фоизга, фан соҳаси харажатлари 85,4 фоизга, ободонлаштириш ишлари 89,2 фоизга ижро этилгани танқид қилинди. Ажратилган маблағларнинг тўлиқ ишлатилмаслик сабаблари сўралди.

Солиқ ва божхона имтиёзлари самарадорлиги масалалари ҳам халқ вакилларининг диққат марказида бўлди. Ярим йилликда берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг бюджет даромадларига ҳамда бюджет тақчиллигига таъсирини баҳолаш, шунингдек, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини мониторинг қилиш ишлари ҳали талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари томонидан бюджет маблағларидан мақсадсиз ва ноўрин фойдаланиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш ишлари етарлича йўлга қўйилмагани қайд этилди.

Муҳокамаларда депутатлар томонидан Давлат бюджети ижроси самарадорлигини ошириш ва бюджет интизомини кучайтириш мақсадида бюджет маблағларини ажратишда натижадорлик ва мақсадли индикаторларга эришиш устидан мониторингни кучайтириш, инвестиция дастурларига киритилган объектларни фойдаланишга топшириш мuddатларига қатъий риоя этиш, солиқ ва божхона имтиёзларининг самарадорлигини ҳар бир соҳа ва корхона кесимида чуқур таҳлил қилиш таклиф этилди.

Шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ички аудит тузилмалари масъулиятини ошириш, бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланишига сабаб бўлувчи омилларни олдиндан бартараф этишга қаратилган профилактик чораларни кучайтириш тавсия этилди.

Фоол муҳокамалардан сўнг Қонунчилик палатасининг 2026 йил биринчи ярим йиллигида Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳамда билдирилган таклиф ва тавсияларни амалга оширишга қаратилган тегишли қарори қабул қилинди.

СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАР УЧУН АЙРИМ ТАЛАБЛАР ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

Мажлисда “Судьянинг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат судьяларнинг мақомини алоҳида қонун даражасида белгилаш ҳамда суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган. У билан судьялик лавозимига номзодлар учун айрим талаблар қайта кўриб чиқилмоқда. Хусусан, судья ҳамда халқ маслаҳатчилари учун ёш цензини 35 ёшдан 30 ёшга тушириш белгиланмоқда.

Шунингдек, судьяни дастлаб 5 йилга, кейин эса муддатсиз даврга тайинлаш тартибини жорий этиш, судья, суд раиси ва раис ўринбосари лавозимларига қўйиладиган талабларни кучайтириш назарда тутилмоқда. Лойиҳада судьялар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари билан боғлиқ нормалар акс этмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқиш муҳокамаси учун такомиллаштириш давомида судья фаолиятининг асосий принципларига доир нормалар қайта тизимлаштирилгани, хусусан, судьянинг қарор қабул қилишда сиёсий қарашлардан ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлиши алоҳида принцип сифатида мустаҳкамлаб қўйилгани қайд этилди. Шу билан бирга, судьянинг мустақиллигига оид нормалар тегишли моддада тизимли ва яхлит тарзда ифодаланганлиги таъкидланди.

Лойиҳа билан қонунчиликка янги кириб келаётган истефодаги судьянинг мақомига ва унинг фаолияти кафолатларига оид нормалар янада аниқлаштирилгани ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, истефодаги судьяга гувоҳнома бериш, уни ўз розилиги билан судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятига жалб этиш, судья сифатида ишлаган даврида одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ билдирган фикрлари ва қабул қилган қарорлари учун дахлсизлик кафолатларини сақлаш, шунингдек, профессионал медиаторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи тақдим этилишига оид масалалар аниқ ифодаланмоқда.

Яна бир муҳим ўзгаришлардан бири — судьяларни интизомий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган ҳаракатлар аниқ мезонлар асосида қайта ифодаланди. Хусусан, “қонунийликни кўпол равишда бузиш” тушунчасининг мазмунини очиб берилди, бундай ҳолатни юқори инстанция суди томонидан аниқлаш ва тегишли хусусий ажримда қайд этиш механизми белгиланди. Бу, ўз навбатида, интизомий ишларни юритишда аниқлик, шаффофлик ва адолатлиликни кучайтиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Маҳаллада тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторининг ўрни алоҳида. Чунки у аҳоли билан энг яқин ишлайдиган, ҳудуддаги муаммоларни бевосита ўрганадиган масъул ходим ҳисобланади. Шу боис унинг мақоми, ваколатлари ва масъулиятини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Мажлисда айни шу масалаларни қамраб олган “Ички ишлар органлари профилактика инспекторининг мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат билан профилактика инспекторининг мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги ҳамда хизматни ўташ тартиби белгиланмоқда. Хусусан, инспекторнинг касбий фаолиятига асоссиз аралашши, уни хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб қилиш ва унга қўшимча вазифалар юклашга йўл қўймаслик назарда тутилди.

Қонун лойиҳасида профилактика инспекторининг асосий ва кўмаклашувчи вазифалари ҳам аниқ белгилаб берилмоқда. Жумладан, профилактика инспектори ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатларни қабул қилиб, уларга тезкор муносабат билдириши, шахсларни профилактик ҳисобга ва маъмурий назоратга олиши, умумий, махсус ва виктимологик профилактикани амалга ошириши, ҳуқуқбузарликларни аниқлаши ва уларга чек қўйиши, маъмурий ишларни юритиши, таъзиқ ва зўравонликдан жабрланганларга ҳимоя ордери бериши, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида профилактика ишларини олиб бориши ҳамда жамоат хавфсизлиги ва рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этилишини таъминлаши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, у қидирув тадбирларида иштирок этиши, тегишли органларга профилактика ишларида кўмаклашиши, пробация назоратидаги шахсларни текшириши, қурол ва ўқ-дориларни сақлаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиши, таъқиқланган ва экстремистик гуруҳларга алоқадор шахсларни аниқлашда иштирок этиши ҳамда оиалардаги ижтимоий-маиший муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф этишда ваколатли органларга кўмаклашиши белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, профилактика инспекторининг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Унинг ҳар чоракда хизмат ҳудудида амалга оширилган ишлар юзасидан аҳоли ва жамоатчилик олдида ҳисобот бериши белгиланмоқда. Қолаверса, аҳолининг профилактика инспектори фаолиятига нисбатан “ишончсизлик ташаббуси”ни билдириш механизми жорий этилди.

Ҳужжатда профилактика инспекторларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, хизмат ва уй-жой шароитларини яхшилаш ҳамда самарали фаолият юритаётган ходимларни рағбатлантиришга оид кафолатлар белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан унинг айрим нормаларини аниқлаштириш ва янада такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, соҳа мутахассислари иштирокида чуқур таҳлил қилингани қайд этилди.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
муҳбири.

ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК



Дилбар МАМАДЖАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилганига ўттиз йилдан ошди. Дастлаб икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик асосан савдо ва инвестицияларга таянган бўлса, бугунги кунга келиб саноат кооперацияси, рақамли трансформация, таълим, энергетика ва илғор технологияларни қамраб олган алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Нафақат иқтисодиётда, балки ижтимоий ва таълим соҳаларида ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилди. Ахборот технологиялари йўналишидаги ҳамкорлик, шунингдек, Кореянинг нуфузли олий таълим муассасалари филиалларининг юртимизда очилиши ўзаро муносабатлар ишонч ва манфаатлар муштараклигига асосланганини кўрсатади.

Бугун жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларда беқарорлик кучайиб бораётган бир шароитда бундай вақт синовидан ўтган ҳамкорликнинг аҳамияти янада ортади. Энди олдимизда уларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш вазифаси турибди. Жанубий Корея улкан илмий-технологик ва молиявий салоҳиятга эга давлат. Шу боис унинг Марказий Осиёга, хусусан, Ўзбекистон билан алоқаларини кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд. Бугун халқаро ҳамжамият томонидан Марказий Осиёга истиқболли ва ривожланаётган йўналишларидан биридир. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми беш баробарга ошиб, 2025 йилда 2 миллиард доллар кўрсаткичига яқинлашди. 2026 йилнинг биринчи ярмида бу борада ўсиш ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 12 фоизни ташкил этди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритган тўғридан-тўғри сармояларининг умумий ҳажми 8 миллиард доллардан ортди. Ўзбекистонда Жанубий Корея капитали иштирокида 700 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, умумий қиймати 8,8 миллиард долларлик 60 та сармоявий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилмоқда. 2026 йилнинг биринчи ярмида жалб қилинган сармоялар ҳажми 290 миллион доллардан

зиёд бўлди. Ўзбекистон – Корея стратегик шериклик муносабатларини илгари суришда икки мамлакат парламентлари ҳам муҳим ўрин тутadi. Бугунги кунда Парламентлараро “дўстлик гуруҳлари” фаол иш олиб бормоқда, парламент делегацияларининг мунтазам таширфлари амалга оширилмоқда, қонун чиқарувчи органларнинг тегишли қўмиталари ўртасида самарали тажриба алмашинуви йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу давлатга таширфи доирасида олий даражада эришилган, энг аввало, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш бўйича келишувларнинг амалга оширилиши устидан парламент мониторингини таъминлаш мақсадида ўзаро ҳамкорлик механизми яратилади. Ўзбекистон ва Корея Республикаси муносабатлари ўзаро ишонч, тенг ҳуқуқли шериклик ва амалий натижадорлик тамойиллари асосида ривожланмоқда. Бу ҳамкорлик нафақат икки давлат, балки Марказий Осиё ва Шарқий Осиё минтақалари ўртасидаги алоқаларни ҳам мустаҳкамлаб бормоқда. Дарҳақиқат, навбатдаги таширф доирасида Ўзбекистон ва Жанубий Корея янги стратегик маррага яқинлашди. Олдинда ўтган йиллар давомида яратилган ўзаро ишонч ва дўстликнинг мустаҳкам пойдевори ҳамда икки мамлакатнинг мавжуд бой салоҳиятига таяниб, ҳамкорлик уфқларини кенгайтиришдек улкан мақсад ва вазифалар турибди.



Маржона ҚИЁМОВА,
Жанубий Кореянинг
Ёнсеи университети
магистранти,
Ўзбекистон ХДП ёшлар
фаоли.

Бугунги кунда Корея Республикасида 110 мингга яқин Ўзбекистон фуқароси, жумладан, 20 мингга яқин талаба-ёшлар истиқомат қилмоқда. Ушбу учрашувда давлатимиз раҳбари хорижда билим ва тажриба орттираётган биз, ёшларга катта ишонч билдириб, янги ғоялар, улкан салоҳият билан Ватан равнақига ҳисса қўшишга чорлади. Энг муҳими, она юртдан олисда бўлсак-да, давлат ва халқимиз эътиборидан четда эмаслигимизни яна бир карра чуқур ҳис қилдик. Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги бугунги дўстлик ва ҳамкорлик ришталари эса биз, ёшлар учун катта имкониятлар эшигини очаётганини ҳам таъкидлаб ўтмоқ ўринлидир. Таширф давомида икки томонлама муносабатларни

мутлақо янги босқичга олиб чиқувчи салмоқли ташаббуслар илгари сурилди. Фан, таълим, замонавий технологиялар ва сунъий интеллект соҳаларида Ўзбекистон – Корея ҳамкорлигини янада ривожлантириш бўйича муҳим келишувларга эришилди. Бугунги кунда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар жадал ривожланаётган бир пайтда, келгусида сунъий интеллект, ярим ўтказгичлар, робототехника, электр транспорти, биофармацевтика, “ақлли қишлоқ хўжалиги” ва “ақлли шахарлар” каби юқори технологик йўналишларда ўзаро алоқаларни кучайтириш кўзда тутилмоқда. Ҳар қандай илғор технология уни ўзлаштирадиган ва янада такомиллаштирадиган билимли мутахассис мавжуд бўлгандагина тараққиёт омилига айланади. Шу сабабли ўзаро музокараларда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга алоҳида ургу берилгани бежиз эмас. Умуман олганда, Жанубий Корея тажрибасини ўрганган ҳолда, мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш асосий мақсад этиб белгиланди. Бундай кенг қўламли ҳамкорликнинг марказида, табиийки, инсон капиталини ривожлантириш ғояси турибди. Давлат таширфи нафақат иқтисодий шартномалар, балки келажак авлод омилини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантириш билан тарихда қоладиган бўлди, десак адашмаймиз.

СИЁСИЙ ПУЛЬС

ЎЗГАРИШЛАР – ЖАДАЛ СУРЪАТДА

Бош кентимиз – Тошкент мамлакат иқтисодий тараққиётининг энг йирик маркази, инвестициялар учун муҳим майдон, янги иш ўринлари ва замонавий касблар шаклланадиган, илм-фан, таълим ва инновациялар жамланадиган улкан макон. Бу ерда рўёбга чиқарилаётган ҳар бир ўзгариш, янгиланиш, қиёсан айтганда, юртимиз бўйлаб акс-садо беради.

Президент раислигида Тошкент шахрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва бандлиқни ошириш, маҳаллаларда замонавий инфратузилма яратиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида пойтахтнинг ана шу стратегик аҳамиятидан келиб чиқиб, аниқ ва кенг қамровли вазифалар белгилаб берилди. Йиғилишда ҳар бир туман ва маҳалланинг мавжуд имкониятларини тўлиқ ишга солиш, қўшимча қиймат яратиш, инвестицияларни кўпайтириш ва юқори даромадли иш ўринларини ташкил этишга янгича ёндашиш зарурлиги таъкидланди. Пойтахт туманларининг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, ихтисослаштириш вазифаси қўйилди. Жумладан, Сергели, Янгиҳаёт ва Бектемир туманларида йирик логистика мажмуаларини ташкил этиш, марказий туманларда замонавий бизнес ва молиявий марказларни кўпайтириш, Олмазор, Чилонзор ва Учтепада эса таълим, тиббиёт, савдо ва сервис соҳаларига инвестицияларни фаол жалб қилиш учун мавжуд имкониятлардан муносиб фойдаланишга ургу берилди. Бу вазифаларнинг ўзиёқ пойтахт иқтисодиётини янги босқичга олиб чиқиш бўйича пухта ёндашув шаклланаётганига ишора қилади. Ҳар бир туман ўзининг иқтисодий драйверига эга бўлиши, мавжуд ер, инфратузилма, меҳнат ресурслари ва истеъмол бозоридан келиб чиқиб, аниқ йўналишда ривожланиши керак. Тошкентнинг 12 та тумани бўйича жорий йилда 9 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш режалаштирилган. Йиғилишда айрим ҳудудларда белгиланган кўрсаткичларга эришиш учун ишларни жадаллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Келгуси йилда эса пойтахтга 10 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш ҳамда 150–200 мингта юқори даромадли доимий иш ўрни яратиш

бўйича тугал режа ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу эса Тошкент иқтисодиётининг сифат жиҳатидан янги босқичга чиқишидан далолат беради. Шу мақсадда инвесторлар билан ишлаш тизими ҳам ўзгармоқда. Инвесторларни идорама-идора сарсон қилмасдан, уларнинг масалаларини бевосита жойида ҳал этишнинг янги тизими йўлга қўйилади. Республика ва шаҳар даражасидаги масъуллар ҳар ҳафта туманларга чиқиб, тадбиркор ва инвесторлар билан учрашади. Юқори даражада ечим талаб қиладиган масалалар бўйича эса шу куннинг ўзида асосланган таклифлар Президент Администрациясига киритилади. Бу вазифа, моҳиятан, инвестиция муҳитида энг муҳим масалалардан бири — тезкорликни таъминлашга қаратилган. Инвестор учун вақт ҳам капитал. Шу боис унинг ер, инфратузилма, электр энергияси, руҳсатнома ёки бошқа масалаларини тез ҳал қилиш янги лойиҳаларни ишга тушириш суръатига бевосита таъсир қилади. Йиғилишда маҳаллаларни комплекс ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Олмазор туманидаги тажриба намуна сифатида кўрсатилди. Йил бошидан тумандаги 9 та кўча бизнес, аҳоли ва сайёҳлар учун жозибадор ҳудудга айлантирилди. Айниқса, "Қичкирик" маҳалласида амалга оширилган ишлар эътиборга лойиқ. Илгари инфратузилмаси етарли бўлмаган ҳудудда 450 ўринли боғча, спорт майдончалари, сайилгоҳ, амфитеатр, пёдалар йўлаги ва фавворалар барпо этилди. Натижада 5,5 минг нафар аҳоли учун замонавий ва қулай муҳит яратилди. Мана шу “Қичкирик” тажрибаси эндиликда Олмазорнинг яна 8 та кўчаси ва пойтахтнинг бошқа туманларига ҳам жорий этилиши кутилмоқда. Тошкент шахридаги 100 та кўчани комплекс янгилаш учун 1 триллион сўм ажратилиб,

400 та маҳаллани “Қичкирик” намунаси асосида обод қилиш бўйича 4 йилга мўлжалланган 10 триллион сўмлик дастур ишлаб чиқилади. Бу рақамлар пойтахтни ривожлантиришда маҳалла даражасигача тушиб борилаётган янги ёндашувни кўрсатади. Яъни шаҳар тараққиёти энди фақат марказий кўчалар, йирик бинолар ва магистрал йўллар билан эмас, ҳар бир маҳалладаги ҳаёт сифати билан баҳоланади. Тошкентнинг тарихий қиёфасини сақлаш ва уни замонавий имкониятлар билан уйғунлаштириш ҳам устувор вазифалардан бири. Пойтахтнинг тарихий қисми — “Эски шаҳар” ҳудудини комплекс ривожлантириш учун хорижий компанияларни жалб қилган ҳолда 1 ноябрга қадар ягона концепция ва аниқ лойиҳалар портфелини ишлаш кўзда тутилаётгани шу жиҳатдан ҳаётий заруратдир. Бу эса Тошкентнинг тарихий мероси ва замонавий иқтисодий салоҳиятини бир нуқтада бирлаштириш имконини беради. Шаҳар иқтисодиётида ҳали тўлиқ ишга солинмаган захиралардан бири давлат идораларига тегишли бинолар экани ҳам қайд этилди. Бугун Тошкентда умумий майдони 765 минг квадрат метр бўлган 497 та маъмурий бино мавжуд. Йиғилишда бўш ва самарасиз фойдаланилаётган майдонларда савдо, сервис, хусусий тиббиёт ва таълим хизматларини йўлга қўйиш учун тадбиркорларга шароит яратиш вазифаси белгиланди. Давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнларини янги бизнес лойиҳалари билан боғлаш зарурлиги таъкидланди. Биргина Олмазор туманида қиймати 100 миллиард сўм бўлган 52 та давлат объекти савдога чиқарилмоқда. Агар бу объектлар янги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш ўринларига айлansa, хусусийлаштириш жараёни иқтисодий ўсишнинг қўшимча манбасига айланади. Пойтахтда инсон учун қулай шаҳар муҳитини шакллантириш вазифаси аниқ лойиҳалар билан боғланиди. Тошкент шахрида кунига 1,5 миллионга транспорт воситаси ҳаракатланаётгани ҳисобга олиниб, тирбандлиқни фақат йўлларни кенгайтириш ҳисобига эмас, интеллектуал транспорт

тизимларини жорий этиш орқали ҳал қилиш жуда муҳим. Бу йўналишда амалий ишларни йил якунига қадар бошлаш мўлжалланмоқда. Бандлик масаласига доир янги вазифалар ҳам диққатга молик. Инчунун, Тошкент шахрида бизнес бошламоқчи бўлган тадбиркорлар учун гаровсиз кредит лимити 100 миллион сўмдан 200 миллион сўмга оширилади. Олмазорда йил якунига қадар 300 нафар янги тадбиркорни қўллаб-қувватлаш ва 1 мингта иш ўрни яратиш, пойтахт бўйича эса 10 минг нафар аҳолини даромадли иш билан таъминлаш ташаббуслари илгари сурилди. Бу чоралар маҳаллаларда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга янада туртки бериб, йирик саноат корхоналари қаторида маҳаллий хизматлар, оилавий тадбиркорлик ва кичик бизнес ҳам шаҳар иқтисодиётининг муҳим таянчига айланишига олиб келади. “Мискин” ва Иброҳим ота маҳаллаларидаги 305 гектар саноат зонаси эса Тошкентнинг саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш учун катта захирадир. Йиғилишда бу ерда иш ўринларини ҳозирги 35 мингтадан 100 мингтага, экспорт ҳажмини 600 миллион долларга етказиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди. Тадбиркорларга саноат ипотекаси, кредит ва лизинг каби молиявий воситалар таклиф этилади. Шу билан бирга, меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш масаласи тилга олинди. Олмазордаги иш берувчиларга 5 мингга яқин турли малакадаги ходимлар керак. Демак, иш ўринлари бор, аммо уларга мос кадр тайёрлаш тизимини тезлаштириш зарур. Шу мақсадда Олмазор касбий кўникмалар марказида ахборот технологиялари ва илғор инновациялар йўналишида 400 ўринли техникум ташкил этилади, мавжуд биноларда замонавий касб-ҳунар марказлари йўлга қўйилади. Германия билан 500 кишига мўлжалланган тил курслари, Чехия ва Словакия учун тиббиёт ходимларини мақсадли тайёрлаш лойиҳалари амалга оширилади. Ривожланган давлатлардан 20 та йирик рекрутинг компаниясини жалб қилиш белгиланди. “Ёшлар шахарча”сидаги 42 гектар майдонда IT-парк, юқори

технологияли саноат ва таълим объектларидан иборат инновацион кластер ташкил этиш ишлари ҳам бошланади. Бу ташаббус Тошкентни замонавий технологиялар ва инновациялар марказига айлантириш мақсадининг муҳим қисми бўлади. Пойтахтнинг таълим салоҳиятини ҳисобга олганда, бу йўналишнинг аҳамияти янада ортади. Олмазорда бир вақтнинг ўзида 75 минг нафар талаба таҳсил олмақда. 7 та олийгоҳга қарашли 41 та талабалар ётоқхонасида қарийб 18 минг нафар ёш истиқомат қилади. Йиғилишда уларнинг ўқиши, яшаши, бандлиги, ижтимоий таъминоти, маданий ҳаёти ва хавфсизлигини қамраб оладиган яхлит бошқарув тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун алоҳида Дирекция ташкил қилинади. “Талабалар шахарча”сидаги Вазиятлар маркази орқали олийгоҳ ва ётоқхоналарга кириб-чиқиш ҳаида давоматий онлайн назорат қилиш тизими йил якунигача пойтахтнинг бошқа туманларида, келгуси йилда эса мамлакатдаги барча олий таълим муассасаларида жорий этилади. Йиғилишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича Олмазор тажрибаси таҳлил қилинди. Гап шундаки, ушбу тумандаги 64 та маҳалланинг 13 тасида жиноят содир этилмаган, криминоген вазияти оғир маҳаллалар қолмаган, аёллар иштирокидаги жиноятлар сезиларли камайган. Энди ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни кескин камайтириш бўйича Олмазор тажрибасини шакллантириш айнаи мудидадир. Шақ-шубҳасиз, замонавий шаҳар тараққиётини иқтисодий ўсишдан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Янги иш ўринлари билан хавфсизлик, таълим билан бандлик, инфратузилма билан аҳоли фаровонлиги ўзаро боғлиқ. Шу маънода видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифаларнинг барчаси ягона мақсадга — Тошкентни инсон учун қулай, тадбиркор ва инвестор учун жозибадор, ёшлар учун имкониятлари кенг шаҳарга айлантиришга қаратилганки, уларнинг амалий тасдиғини топиши пойтахтнинг ривожланиш суръатига янада ҳаётийлик ва жадаллик бахш этади.

Ф. ИБРОҲИМОВА.

АКС-САДО



Анваржон НУРМАТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, ЎзХДП
фракцияси аъзоси.

Бугун камбағалликни қисқартириш масаласига муносабат тубдан ўзгармоқда. Энди асосий эътибор аҳолига фақат ижтимоий ёрдам кўрсатишга эмас, балки ҳар бир оиланинг ўз меҳнати, ташаббуси ва имконияти орқали барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун зарур шароитларни яратишга қаратилмоқда.

Президент раислигида ҳудудларда аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўтказилган кенгайтирилган йиғилиш ана шу йўналишда янги босқични бошлаб берди.

Унда тadbиркорлар ва аҳоли учун кўплаб янги имконият

ФАРОВОНЛИК АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДИНИ ОШИРИШДАН БОШЛАНАДИ

ва имтиёзлар белгиланди. Бу чоралар одамларнинг даромадини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва тadbиркорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Ушбу имкониятлардан тўғри ва самарали фойдаланилса, кўзланган натижаларга эришиш мумкин.

Эътиборли жиҳати шундаки, эндиликда аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш бўйича асосий масъулият туман ва маҳалла даражасига туширилмоқда. Бу эса ҳар бир ҳудуддаги имкониятни жойида аниқлаб, ундан самарали фойдаланишни талаб этади. Ҳудудларда эса бунинг учун имкониятлар бор. Масалан, давлат банклари балансидаги қарийб 10 триллион сўмлик мол-мулкни самарали ишга тушириш орқали 40 мингтагача иш ўрини тиклаш мумкин.

Тadbиркорлик учун давлат

томонидан бизнес вакиллари ижтимоий масъулиятни бўйнига олиши эъвазига уларга жуда катта имтиёзлар тақдим этилмоқда. Хусусан, ижтимоий солиқнинг 6 баробарга камайтирилиши, қишлоқ жойларида эҳтиёжманд оила аъзоларини ишга қабул қилган корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 2 фоизгача туширилгани тadbиркорларнинг харажатларини сезиларли даражада камайтиради ва уларни янги иш ўринлари яратишга рағбатлантиради.

Тadbиркорлар учун ер майдонларидан фойдаланиш бўйича ҳам янги имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, камбағал оилалар фарзандларини бепул ўқитиш ташаббусини ўз зиммасига олган тadbиркорларга мактаб, боғча ва техникумлар куриш учун ер участкалари аукционга атиги 1 миллион сўм бошланғич нархда чиқарилади.

Бу, аввало, камбағал оилалар фарзандларининг сифатли таълим олиш имкониятини кенгайтиришга хизмат қилади.

Фуқароларнинг ўз маҳалласида, уйдан узоқлашмаган ҳолда даромад топиши учун қулай шароитлар яратилаётгани эътиборга моликдир. Кўп қаватли уйлarning биринчи қаватидаги хонадонларни расмий равишда "нотурар жой" тоифасига ўтказишдаги узоқ ва ортиқча бюрократик тўсиқлар бекор қилинмоқда. Эндиликда фуқаролар фақатгина тегишли идораларни хабардор қилган ҳолда, ўз уйининг биринчи қаватида сартарошхона, гўзаллик салони, дўкон ёки устaxона очиб, оилавий бизнесни йўлга қўйишлари мумкин.

Бу орқали одамлар иш излаб узоққа бормаиди, аксинча, ўз маҳалласида иш бошлаб, даромад топади.

"Маҳалла еттилиги" учун ҳам янги бошқарув шароити яратилади. Бошқарув тизимидаги тарқоқликка барҳам бериш мақсадида Маҳалла тизими билан ишлаш бўйича Бош вазир ўринбосари лавозими жорий этилгани маҳалладаги ижрочилар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, оилаларнинг ҳақиқий аҳволини ўрганиш учун кенг имкон беради.

Ислохотларнинг самараси одамларнинг турмуш даражаси, оилаларнинг даромади ва эртанги кунга бўлган ишончида намоён бўлади. Белгиланган вазифаларнинг маҳаллабай ва оилабай асосда тўлиқ амалга оширилиши янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва, энг муҳими, ҳар бир оиланинг ўз меҳнати билан барқарор фаровонликка эришиши учун мустақкам замин яратади.

СЎЗ – ФАОЛЛАРИМИЗГА!



Сирожиддин ШОНАЗАРОВ,
ЎзХДП Марказий
Кенгаши бўлим бошлиғи.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Чунки бир хонадонга кириб бориш баъзан бутун бир муаммони кўриш имконини беради. Ахир маҳалладаги ҳар бир эшик ортида алоҳида тақдир, алоҳида эҳтиёж ва ечим кутаётган ташвиш бор.

Шу нуктаи назардан "Депутат маҳаллада" лойиҳасининг аҳамиятини рақамлар ортидаги эътиборга муҳтож инсонлар, йиллар давомида ҳал бўлмайд келган муаммолар ва давлат идораларидан амалий ёрдам кутаётган оилалар тақдири билан ўлчасак тўғри бўлади, назаримда.

Жорий йилнинг ўтган даврида лойиҳа доирасида 5 мингдан ортиқ эҳтиёжманд оилалар — ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан хабар олинди. Келинг, яхшиси бу рақамга бошқача назар билан қарайлик.

5 мингта хонадон — бу 5 мингта оилавий муҳит, 5 мингта турли тақдир, 5 мингта муаммо дегани. Айтийлик, кимдир учун энг катта муаммо — ичимлик суви. Бошқа бир оила учун эса ишсизлик. Яна кимдир электр таъминотидаги узилишлардан қийналаётган бўлиши мумкин. Ёлғиз кекса учун эса энг катта эҳтиёж моддий ёрдамдан ҳам кўра, унинг ҳолидан хабар оладиган инсоннинг борлигидир.

Демак, "Депутат маҳаллада"нинг асосий қиймати — депутатнинг сайловчига яқинлашганида эмас, муаммонинг аниқ манзилини топганида.

Таҳлилларимизга кўра, лойиҳа доирасида "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"га киритилган 3 мингдан ортиқ оиланинг ҳолати ўрганилди. Бу ерда яна бир муҳим жиҳат бор: ижтимоий ҳимояга муҳтож оилани фақат рўйхатда кўриш билан унинг ҳақиқий аҳволини тўлиқ англаб бўлмайди.

Оиланинг даромади қанча? Уй-жой шароити қандай? Фарзандлари ўқияптими? Оилада меҳнатга лаёқатли, аммо ишсиз аъзо борми? Даволанишга муҳтож инсон борми?

Маҳаллага чиққан депутатларимиз ана шу саволларнинг жавобини қоғоздан эмас, ҳаётнинг ўзидан олаётгани яхши самара бермоқда.

Депутатлар томонидан "фуқаробай" ва "хонадонбай" ўрганиш мақсадида 4 мингдан ортиқ учрашув ва сайёр қабуллар ўтказилиб, уларда 300 мингга яқин аҳоли қамраб олинган. Бу кўрсаткич лойиҳанинг қамрови катта эканини кўрсатади.

Маълум бўлишича, учрашувлар давомида 7 мингдан ортиқ муаммо ва мурожаат келиб тушган. Аслида, таҳлил

“ДЕПУТАТ МАҲАЛЛАДА” ЛОЙИҲАСИ

ОДАМЛАРНИНГ ОФИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛМОҚДА



учун энг қизиқ рақам ҳам шу.

Чунки бу рақам маҳаллада одамларни нима ўйлантираётганини кўрсатади. Йўл, электр энергияси, ичимлик суви, иш ўринлари каби масалаларнинг тилга олиниши аҳолининг кундалик ҳаётидаги энг оғриқли нукталарни кўрсатиб беради. Бир қарашда булар оддий маиший муаммолардек кўринади. Аммо йўлнинг ёмонлиги — боланинг мактабга бориши, беморнинг шифохонага етиб олишига таъсир қилади. Электр энергиясидаги муаммо — оиланинг кундалик турмуши, тadbиркорнинг ишлаши, боланинг дарс қилиши билан боғлиқ. Иш ўрни эса оиланинг даромади, фарзандларининг таълими, эртанги кунига бўлган ишончи дегани.

Келиб тушган муаммоларнинг 80 фоизи депутатлар томонидан назоратга оlinиб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида депутатлик сўровлари киритилган. Бу депутатлик назоратининг амалиётдаги муҳим кўриниши. Чунки фуқаронинг мурожаатини эшитиб, уни тегишли ташкилотга йўллаш билан иш тугамайди. Энг асосий масала — мурожаатнинг тақдири кейин нима бўлгани. Мана шу саволларга жавоб излаш депутатлик назоратининг ҳақиқий мазмунини белгилайди.

РАҚАМЛАРДАН АМАЛИЙ НАТИЖАГА

Масалан, яқинда халқ депутатлари Ѓиждувон туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутати, туман ҳокими Фарҳод Умаров "Зарафшон" маҳалласида аҳоли билан учрашиб, фуқаролар бандлигини

таъминлаш, оилалар даромадини ошириш, мавжуд муаммоларни манзилли ҳал этиш ҳамда тadbиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалаларини муҳокама қилди.

"Маҳалла еттилиги" билан ҳамкорликда фуқароларнинг мурожаатлари, оилаларнинг ижтимоий-маиший шароити ва даромад манбалари ўрганилиб, аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан масъулларга тегишли вазифалар белгиланди.

Шунингдек, маҳалладаги бўш турган бино ва иншоотлардан фойдаланиш ҳолати ўрганилди. Тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш истагидаги фуқароларга имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланиш

имкониятлари тушунтирилди. Уларнинг қисқа муддатларда фаолиятини йўлга қўйиши бўйича масъулларга вазифалар берилди.

"Янгиработ" қишлоғида хонадон шароитида тикувчилик фаолиятини йўлга қўйган оилалар тажрибаси ҳам ўрганилди. Миллий ансамбль либослари учун турли безаклар тайёрлаш билан шуғулланадиган оилавий корхоналарда бир неча хотин-қизлар иш билан таъминланган. Эндиликда уларнинг фаолиятини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича зарур чоралар белгиланди.

Амалий ишлар доирасида имтиёзли кредит маблағлари ҳисобидан фуқароларга чорва моллари олиб берилиб, хонадонларда қўшимча даромад манбаларини шакллантиришга кўмаклашилди.

Маҳаллаларда олиб борилаётган бу каби ишлар аҳоли билан очиқ мулоқот қилиш, муаммоларни манзилли ўрганиш ва фуқароларнинг бандлиги ҳамда даромад манбаларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Яна бир мисол. Яқинда халқ депутатлари Андижон туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган депутат Матлубахон Маҳамажонова "Орол" маҳалласида бўлди. Маълум бўлишича, ҳудуддаги кўпчилик аҳоли электр таъминоти масаласида депутатга мурожаат қилишган.

Ўрганишлар давомида электр тармоқларининг етарли эмаслиги, мавжуд тармоқларнинг эскиргани ва электр юкламасининг ортиб кетиши сабабли аҳоли хонадонларида тез-тез узилишлар кузатилаётгани аниқланди. Бу эса, айниқса, кундалик турмушда жиддий ноқулайликлар туғдирмоқда.

Муаммони бартараф этиш ва маҳаллада электр таъминотини яхшилаш мақсадида 2 та янги трансформатор ўрнатиш, 1000 метр СИР кабель тортиш ҳамда 100 та бетон таянч устун ўрнатиш зарурлиги белгиланди.

Мазкур масала тегишли чоралар кўриш учун халқ депутатлари Андижон туман Кенгаши котибияти ҳамда Андижон тумани ҳокимлиги қурилиш бўлимига тақдим этилди. Масала депутат назоратида турибди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, уларнинг ҳар бири шу ҳақиқатни кўрсатадики, "Депутат маҳаллада" — шунчаки аҳоли билан учрашув ўтказиш эмас, эшитилган мурожаатни амалий ечимга айлантириш жараёнидир. Зеро, халқ билан учрашиш — вазифанинг бошланиши. Халқнинг дардига ечим топиш эса унинг ҳақиқий натижасидир.



ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ

СУВ ТАЪМИНОТИ – ФАҚАТ ҚАМРОВ БИЛАН ЎЛЧАНМАЙДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашидаги партия

Нуриддин ХОЛМАТОВ,
ЎзХДП Жиззах вилоят
кенгаши раиси:



депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, марказлаштирилган ичимлик ва оқова сув хизматларини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатига бағишланган жамоатчилик эшитишда бу ҳақида алоҳида таъкидланди. Эшитишда қайд этилганидек, 2026 йил 1 январь ҳолатида Жиззах вилоятида 1,5 миллион нафар аҳолининг 76,3 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. Вилоятда 660 та ичимлик суви иншооти ва 4 минг километрга яқин ичимлик суви тармоғи мавжуд бўлиб, 69 та иншоот ҳамда 1,1 минг километр тармоғи таъмирталаб ҳолатда. Оқова сув хизматлари билан қамров эса 26,2 фоизни ташкил этиб, мавжуд 460 километрдан ортиқ оқова сув тармоғининг деярли 100 километри таъмирга муҳтож.

- Тоза сув шунчаки қулайлик эмас, аввало, соғлом ҳаётнинг зарур шартларидан биридир. Чунки аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш инсон саломатлиги, оила фаровонлиги ва жамият келажагини кафолатлайди. Шу нуқтаи назардан, эшитишда аҳолини сифатли ва хавфсиз ичимлик суви билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратдик. Тўғри, мамлакатимизда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, мавжуд сув таъминоти тизимларини яхшилаш ва сув сифатини назорат қилиш ишларида яхши ўзгаришлар бор. Аммо бу борада қилиниши керак бўлган масалалар ҳам етарлича топилади. Масалан, аҳолини сув билан таъминлаш даражасини фақат қамров фоизи орқали баҳолаш

етарли эмас. Аҳоли учун сувнинг ўз вақтида, етарли ҳажмда ва сифатли етказиб берилиши, мавжуд тармоқларнинг ишончли ишлаши ҳам асосий мезон бўлиши лозим. Ўрганишлар жараёнида бу ҳолатни тасдиқловчи қатор мурожаатлар аниқланди. Хусусан, Зарбдор туманида марказий ичимлик сув тармоғи ёз ойларида аҳолига етарли сув етказиб бера олмаслиги, янги қурилган сув минораларининг тўлиқ ишламаётгани бўйича мурожаатлар келиб тушган. Бахмал тумани Новқа қишлоғида 3 километр янги сув тармоғи тортилганига қарамасдан, аҳолига сув уч кунда бир марта берилаётгани аниқланди. Ўрганиш давомида бу ҳолат марказий тармоқдан фойдаланувчи хонадонлар сони кўплиги билан изоҳланган. Бироқ партия депутатлари нуқтаи назарича, бундай ҳолатни фақат мавжуд график билан изоҳлашнинг ўзи етарли эмас. Аҳоли сони ва эҳтиёж ортиб бораётган шароитда инфратузилманинг қуввати ҳам шунга мос равишда кучайтирилиши зарур. Пахтакор туманида эса партиянинг сайёр қабуллари давомида 57 та мурожаат кўриб чиқилиб, 6 та сайёр қабул ўтказилган, 8,8 километр ичимлик суви тармоғи тортилган ва 329 та сув ҳисоблагичи ўрнатилган. Бу каби амалий ишлар аҳолининг мавжуд муаммоларини ҳал этишда депутатлик назорати муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатмоқда. Айниқса, ичимлик суви масаласида ҳар бир километр тармоқ ортида қанча хонадон, қанча оила борлигини ўйласак, бу ишларнинг аҳамияти янада яққол намоён бўлади. Жамоатчилик эшитишда соҳани молиялаштириш

масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2026 йилда Жиззах вилоятида ичимлик ва оқова сув таъминотини яхшилаш учун 316,4 миллиард сўм маблағ ажратилиши белгиланган бўлиб, унинг асосий қисми республика бюджетига ва халқаро маблағлар ҳисобига тўғри келади. Ушбу маблағлар ҳисобидан ичимлик ва оқова сув тармоқлари ҳамда тегишли иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш режалаштирилган. Жорий йил сентябрь ҳолатига кўра, йиллик режанинг 65 фоизи бажарилган.

Ўрал ЎРАЗБАЕВ,
халқ депутатлари вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи
раҳбари:

- Амалдаги режаларга кўра, 2026 йил якунига қадар 60,5 минг нафар аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, марказлашган қамров даражасини 76,3 фоиздан 80,2 фоизга ошириш, шунингдек, 111,4 минг нафар аҳолига илк бор канализация хизмати кўрсатиш ва оқова сув қамровини 26,2 фоиздан 34,1 фоизга етказиш кўзда тутилган. 60 минг нафардан ортиқ аҳолининг ичимлик суви билан

таъминлиниши — бу минглаб хонадонларга тоза сув кириб бориши, оилаларнинг сув ташиш билан боғлиқ ташвишлари камайиши, фарзандлар учун янада қулай ва соғлом шароит яратилиши демакдир. Канализация хизматларининг кенгайиши ҳам аҳоли учун қулайликдан кўра кенгроқ маънога эга. Бу, аввало, тозалик, санитария, атроф-муҳит муҳофазаси ва инсон саломатлиги билан боғлиқ. Энг муҳими, бу режалар қоғоздаги рақам бўлиб қолмаслиги, ҳар бир километр тармоқ, ҳар бир янги хонадон ва ҳар бир хизмат ортида инсонлар ҳаётида ўзгариш бўлиши керак. Жамоатчилик эшитишда қайд этилганидек, Ўзбекистон ХДП аҳолини тоза ва сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, сув таъминоти ҳамда канализация хизматларини янада яхшилашга қаратилган ушбу мақсад ва ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Чунки партиянинг Сайловолди дастурида аҳолини сифатли коммунал хизматлар билан таъминлаш алоҳида устувор вазифа этиб белгиланган. Партия коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини ошириш, ресурслар йўқотилишига йўл қўймаслик ҳамда хизматлар сифатини яхшилаш тарафдори. Жамоатчилик эшитишда якунида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида вазифалар белгилаб олинди. Ўзбекистон ХДП Жиззах вилояти кенгаши бу масалани депутатлик ва жамоатчилик назорати доирасида изчил давом эттириш, белгиланган вазифаларнинг ижросини кузатиб бориш ва аҳоли мурожаатларида кўтарилаётган муаммоларни масъул ташкилотлар билан биргаликда ҳал этишга эришишини маълум қилди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.



ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ: СИЁСАТЧИ АЁЛЛАР ЎЗ БИЛИМЛАРИНИ СИНОВДАН ЎТКАЗИШДИ



Ангрена “Сиёсатчи аёл – 2026” кўрик-танловининг шахар bosқичи бўлиб ўтди. Танлов “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясида белгиланган вазифаларнинг амалий ижросига ҳисса қўшиш, сиёсий билим ва фаол фуқаролик позициясига эга хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилди. Беллашув “Танишув”, “Сиёсий ва ижтимоий мавзулар бўйича савол-жавоб” ҳамда “Ижтимоий лойиҳалар тақдироти” шартлари асосида ўтказилиб, иштирокчилар ўз билим, фаоллик ва ташаббусларини намоён этдилар. Айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар муаммоларига ечим таклиф этилган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилди. Танлов якунига кўра, 1-ўринни Ангрэн университети талабаси Шоҳида Эрназова эгаллаб, ўзининг сиёсий билимдонлиги, фаоллиги ва лойиҳавий ёндашуви билан танлов ғолиби бўлди. У вилоят bosқичида Ангрэн шаҳри шарафини ҳимоя қилади.

2-ўрин 9-сонли интернат мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Лобархон Мўминовага, 3-ўрин эса 20-мактабгача таълим муассасаси психологи Одинахон Нақбаевага насиб этди.

БУХОРО: ЖОНДОРДА ЁШЛАР БЕЛЛАШДИ

ЎзХДП Жондор туман кенгаши ҳамда туман ёшлар ишлари агентлиги бўлими ҳамкорлигида “Сиёсатдаги ёшлар” лойиҳаси доирасида навбатдаги интеллектуал беллашув ташкил этилди. Маънавият марказида ўтказилган беллашувда 7 та жамоа иштирок этиб, ёшлар сиёсий-ҳуқуқий билимлари, дунёқараши ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга муносабатини намоён этдилар. Икки шарт асосида кечган қизғин баҳсларда иштирокчилар сиёсат, ҳуқуқ, жамият ҳаёти ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга оид саволларга жавоб бериб, нафақат билимларини, балки тезкор фикрлаш ва жамоавий ишлаш



қобилиятларини ҳам синовдан ўтказдилар. Қизғин ва муросасиз кечган беллашув якунида “Занги” жамоаси энг юқори натижани қайд этиб, ғолибликни қўлга киритди. Тадбир сўнггида барча иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бундай интеллектуал беллашувлар ёшларнинг сиёсий

саводхонлигини ошириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва жамият ҳаётидаги жараёнларга дахлдорлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

ЖИЗЗАХ: ЙЎЛЛАР ҲОЛАТИ БЎЙИЧА ДЕПУТАТ СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ

Халқ депутатлари Бахмал туман Кенгаши депутати Хусан Эрматов томонидан “Оқтош” ҚФЙ “Ўрай” қишлоғи аҳолисининг мурожаатлари асосида туман ободонлаштириш бўлимига депутат сўрови юборилди. Маълум бўлишича, аҳоли билан ўтказилган ўрганишларда қишлоқдаги Алвон, Ҳамқор ва Барака кўчаларининг жами 1500 метр (1,5 км) қисми яроқсиз ҳолга келиб қолган. Бу ҳолат, айниқса, куз-қиш мавсумида йўлларда ноқулайликларни юзага келтириб, аҳоли, мактаб ўқувчилари ҳамда тез тиббий ёрдам машиналарининг ҳаракатланишида хавф туғдирмоқда. Депутат сўровида ушбу 3 та кўчани асфальтлаштириш ишларини туман ободонлаштириш дастурларига киритиш ва



муаммони қисқа муддатда ҳал этиш масаласи қўйилди. Ижро жараёни депутат томонидан қатъий назоратга олинди.

ХОРАЗМ: ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛА ЎРГАНИЛДИ



Халқ депутатлари Янгиариқ туман Кенгашининг 1-Қўриқтом сайлов округида ҳудуддаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва аҳолининг мурожаатларини ўрганиш ишлари олиб борилди. Ўрганишларда Кенгаш раиси, партия депутати Б. Абдуллаев, Қўриқтом маҳалласи раиси У. Таиров ва кўча фаоли Ж. Ҳамдамов иштирок этди. Жараён давомида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар, хусусан, электр таъминоти билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди. Жумладан, Садо кўчасига 250 кВт қувватга эга янги трансформатор ўрнатиш, шунингдек, Садо ва Ойирдом кўчаларига жами 3 километр узунликдаги электр кабель тармоғини тортиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳалар кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳалар доирасида бажарилиши лозим бўлган ишлар кўлами ва уларнинг ҳудуддаги электр таъминотини яхшилашга таъсири жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Шунингдек, белгиланган ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш, мавжуд муаммоларни bosқичма-bosқич бартараф этиш ҳамда аҳолини барқарор электр энергияси билан таъминлаш масалалари юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ўзбекистонда автомобиллар сони кўпайгани сари тўхтаб туриш жойи ҳам тобора қиммат ресурсга айланмоқда. Пуллик автотураргоҳлар транспорт оқимини тартибга солиш, кўча бўйидаги тартибсиз тўхташларни камайтириш ва шаҳар маконидан оқилона фойдаланиш учун керак. Лекин ҳар қандай янги тартиб бир савол олдида синовдан ўтиши лозим. Хўш, у барча учун бирдек ишляаптими?



Шохруҳ ЎКТАМОВ,
Ўзбекистон ХДП
Фарғона вилоят кенгаши
раиси, Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
ҳузуридаги Ёшлар
парламенти раиси
ўринбосари.

Шаҳар кўчаларида бир қарашда оддий кўринадиган ҳолатлар бор: йўл четидаги белги, ажратилган бир неча метр жой, махсус автотураргоҳ. Кўпчилиги учун бу шунчаки автомобиль қўйиладиган жой, холос. Тасаввур қилинг, шифохонага етиб келган ногиронлиги бўлган фуқаро автомобиллини бинодан анча узокқа қўйишга мажбур. Ёки давлат идорасига келган шахс кириш эшигига энг яқин жойдаги махсус автотураргоҳни бошқа автомобиль эгаллаб олгани сабабли яна юзлаб метр йўл босиши керак. Соғлом инсон учун арзимас кўринган масофа бошқаси учун жиддий жисмоний синовга айланиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида ижтимоий ҳимоя, ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат устувор мақсад сифатида баён этилган. Дастурда ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш алоҳида стратегик қадам сифатида белгиланиб, объектлар ва хизматларнинг қулайлиги ҳамда ҳаракатланиш учун қўшимча имкониятлар яратиш масалалари қайд этилган.

Жамиятнинг ҳақиқий ривожланганлик даражаси унинг энг кўп ёрдам ва қулайликка муҳтож аъзолари ўзини қанчалик эркин, хавфсиз ва тенг ҳис қилиши билан ҳам белгиланади.

Иқтисодий нуктаи назардан пуллик автотураргоҳлар чекланган шаҳар маконидан самарали фойдаланиш, автомобилларнинг узок вақт тартибсиз қолдирилишини



ЙЎЛ ЧЕТЛАРИ ҚИММАТ РЕСУРСГА АЙЛАНДИ...МИ?

камайтириш ва транспорт оқимини бошқариш воситаси бўлиши мумкин. Бироқ шаҳар инфратузилмасини фақат иқтисодий самарадорлик нуктаи назаридан ташкил этиш етарли эмас. Ҳар қандай шаҳар сиёсати унинг барча аҳоли қатламлари, жумладан, ҳаракатланиш имконияти чекланган фуқаролар учун қандай ижтимоий натижа келтириб чиқариши нуктаи назаридан ҳам баҳолалиши лозим.

Шу маънода, ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий объектлар, давлат муассасалари, шифохоналар, поликлиникалар, таълим ташкилотлари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари яқинида махсус автотураргоҳ жойларини ажратиш оддий техник ёки транспорт масаласи эмас. Бу, энг аввало, шахснинг муайян объектга етиб бориши ва ундаги хизматдан мустақил равишда фойдаланиши учун реал имконият яратиш чораси ҳисобланади.

Бу ерда “тенглик” тушунчасининг мазмунига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Формал тенглик барча шахсларга бир хил шарт қўйилишини англатади. Масалан, барча ҳайдовчилар учун объектдан 300 метр узокликда жойлашган бир хил автотураргоҳ таклиф қилиниши ташқи жиҳатдан тенг муносабатдек кўриниши мумкин. Аммо ҳаракатланишида чеклови бўлган шахс учун мазкур 300 метр масофа оддий масофа эмас, балки объектдан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи жисмоний барьерга айланиши мумкин.

Бу хулоса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги мазмунига ҳам тўлиқ мос келади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси

Конституциясининг 57-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани белгиланган. Мазкур нормага кўра, давлат уларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун шарт-шароит яратиши, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ҳамда хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун зарур имкониятларни таъминлаши лозим.

Ушбу конституциявий ёндашув “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунда янада мустаҳкамланган. Қонун ногиронлиги бўлган шахсларнинг кадр-қиммати ва мустақиллигини ҳурмат қилиш, камситишга йўл қўймаслик, имкониятлар тенглиги, объектлар ва хизматларнинг қулайлиги ҳамда уларни жамият ва давлат ҳаётига жалб этишни асосий принциплар сифатида белгилайди.

Қонуннинг 6-моддаси бу масалага нисбатан муҳим ҳуқуқий ёндашувни белгилайди. Унга кўра, ногиронлиги бўлган шахсларнинг объектлар ва хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароит яратиши рад этишга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, улар учун имкониятлар тенглигини таъминлашга қаратилган махсус чоралар бошқа фуқароларга нисбатан камситувчи чора деб ҳисобланмаслиги белгиланган. Демак, махсус автотураргоҳ жойларини ажратиш ҳуқуқий нуктаи назардан “афзаллик” эмас, балки тенг ҳуқуқларнинг амалий кафолатидир.

Қонуннинг объектлар ва

хизматларнинг қулайлигига бағишланган нормалари мазкур ғоянинг яна бир муҳим ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Масаланинг автотураргоҳларга бевосита дахлдор жиҳати қонуннинг 23-моддасида аниқ ифодаланган. Унга кўра, давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига монеликсиз кириши учун шароит яратиши шарт. Бундан ташқари, жамоат бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ҳамда реконструкция қилиш вақтида ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун автотранспорт сақлаш жойларини мақбул миқдорда ва ўлчамда ташкил этиш чоралари назарда тутилиши лозим.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 июлдаги қарори билан тасдиқланган тегишли Низомда автототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларида ногиронлиги бўлган шахсларнинг транспорт воситалари учун махсус жиҳозланган камида иккита жой мавжуд бўлиши талаб этилган. Бу норма махсус автотураргоҳ жойларини ташкил қилиш ғояси нафақат ижтимоий таклиф, балки амалдаги норматив ёндашувнинг бир қисми эканини кўрсатади.

Махсус автотураргоҳ жойининг мавжудлиги билан бир қаторда уни тўғри белгилаш ҳам принципиал аҳамиятга эга. Шунинг учун махсус жойни фақат ранг билан ажратиш эмас, уни белгиланган йўл белгилари, горизонтал белгилаш ва тушунарли ахборот воситалари билан жиҳозлаш ҳуқуқни амалда

таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Масала халқаро ҳуқуқ нуктаи назаридан ҳам муҳимдир. Ўзбекистон БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилган бўлиб, ратификация 2021 йилда амалга оширилган.

Фалсафий нуктаи назардан қаралганда эса, инсон ҳуқуқининг мавжудлиги уни қонун ҳужжатида эълон қилиш билангина тугалланмайди. Ҳуқуқ инсон ундан амалда фойдалана олгандагина реал мазмун касб этади. Агар фуқаро шифохонада даволаниш ҳуқуқига эга бўлса-ю, аммо ҳаракатланишдаги жисмоний тўсиқ сабабли шифохона биносига етиб бора олмаса, унинг ҳуқуқи функционал жиҳатдан чекланган бўлиб қолади. Худди шу ҳолат таълим олиш, давлат хизматларидан фойдаланиш, меҳнат қилиш, савдо ва маиший хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқларига ҳам тегишли.

Масалан, бинода пандус ва лифт мавжуд бўлиши мумкин, аммо махсус автомобиль жойи бинодан узокда бўлса ёки уни бошқа транспорт воситаси эгаллаб турган бўлса, объектнинг умумий инклюзивлиги таъминланган деб бўлмайди.

Агар махсус автомобилъ жойлари бошқа ҳайдовчилар томонидан мунтазам эгалланса, махсус белгилар яхши кўринмаса ёки жойдан биногача хавфсиз йўлак мавжуд бўлмаса, ҳуқуқий норма амалда самарасиз бўлиб қолади. Шу сабабли инфратузилмалар чора назорат механизми билан биргаликда амал қилиши лозим. Бу ерда назорат жазолашнинг ўзи учун эмас, балки махсус жойининг ижтимоий функциясини сақлаб қолиш учун зарур.

Мазкур ёндашувдан келиб чиқиб, шаҳарлардаги ижтимоий ва жамоат объектларида қуйидаги чораларни тизимли равишда жорий этиш мақсадга мувофиқ:

- махсус автотураргоҳларни объектнинг асосий ёки мослаштирилган кириш қисмига энг қисқа ва хавфсиз ҳаракат маршрути таъминланадиган ҳудудда жойлаштириш;

- уларнинг сонини объект сигими, таширф буюрувчилар оқими ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг эҳтимолий эҳтиёжидан келиб чиқиб белгилаш, амалдаги минимал норматив талабларни эса сўзсиз таъминлаш.

Пуллик автотураргоҳлар тизимининг кенгайтиши шаҳар транспорт сиёсатининг иқтисодий самарадорлигини ошириши мумкин, бироқ ушбу жараён ижтимоий адолат принципи билан мувозанатлаштирилгандагина барқарор ва инклюзив характер касб этади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун кириш эшигига яқин, белгиланган ва назорат қилинадиган автотураргоҳ жойларини тизимли ташкил этиш орқали Конституциядаги ижтимоий давлат ғоясини, қонунлардаги тенг имконият принципини ва Ўзбекистон ХДП дастурида белгиланган ижтимоий адолат ҳамда объектлар қулайлиги мақсадларини кундалик ҳаётда реал натижага айлантириш мумкин.

СЎРОВ ВА НАТИЖА

Депутатлар – халқ вакиллариدير. Одамлар уларга ишонади. Партия лидерлари ортидан эргashiи табиий. Ўз ўрнида сиёсий куч масъуллари ҳам масъулиятни тўлиқ ҳис қилишлари керак. Электорат вакиллари қийнаётган масалаларга ечим топишда фаоллик намуналарини кўрсатишлари лозим.

Халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз ҳам ана шундай салоҳиятли жамоалардан ҳисобланади. Гуруҳнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларни бартараф қилиш ва электорат манфаатларига жавоб берадиган вазифалар ижросини таъминлашда фаоллик намуналарини кўрсатаётгани қувонарли.

Таъкидлаш лозимки, жарқўрғонлик юрдошларимизни бугунги кунда ўйлантираётган, ташвишга солаётган ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳам йўқ эмас. Жойлардаги инфратузилмани янгилаш, томорқалардан унумли фойдаланиш, ички йўللарни таъмирлаш, электр энергияси тизимидаги узилтишларга чек қўйиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш долзарблигича қолмоқда.

Туман марказидан 12-14 километр олисда жойлашган Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги маҳалла ҳам ана шундай манзиллардан бири ҳисобланади. Ҳудудда 2 минг 500 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, 630 дан зиёд хўжалик бор. Одамлар қарийб уч йилдан буён тоза ичимлик сувидан қийналиб келаётганди.

ЮЗЛАБ ХОНАДОНЛАРГА ОБИҲАЁТ КИРИБ БОРДИ

Кимдир обиҳаётни сотиб олган бўлса, бошқалар 3-4 километрдан ташиб келгани ҳақиқат.

– Ҳудуд икки юз йиллар олдин пайдо бўлган, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси, партиямиз фаоли Жалолиддин Бердиев. – Ота-боболаримизнинг айтишларича, дастлаб бир неча киши кўчиб келган бўлса, ҳозирги кунда бешта қишлоқ бор.

Аҳолини обиҳаёт билан таъминлаб келаётган сув иншооти ўтган асрнинг 50-йилларида ўрнатилган бўлиб, 2011 йилда таъмирланганди. Аммо йиллар ўтиши билан яна яроқсиз аҳволга келиб қолди. Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида туман Кенгаши депутати Чори Юсуповнинг ташаббуси билан долзарб масала ижобий ечим топди. Ана шундай фидойи ва янгилликка интилувчан инсонлар кўпаяверсин.

– Сиёсий куч вакиллари доим масъулият ҳиссини англаши лозим, – дейди Ўзбекистон ХДП Жарқўрғон туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзоси Чори Юсупов. – Хайрли ва эзгу амалларда

ташаббус кўрсатишимиз керак. Бунинг учун электоратнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаш талаб этилади.

Кўпчиликнинг кўп йиллик дардига айланган масалани “маҳалла еттилиги” билан жойида ўргандик. Бундан 70-75 йил олдин қўйилган жиҳоз яроқсиз ҳолга келиб қолгани учун туман “Сув таъминот” бўлимига депутатлик сўров жўнатгандим. Тажрибали мутахассис ва махсус техникалар жалб қилиниб, бунёдкорлик ишларига киришилди. Қатор ускуна ҳамда узатмалар янгиланди. 25 тонна сифига эга иншоот ўрнатилганидан одамлар мамнун. Эзгу амалга ҳиссамиз қўшилганидан хурсандмиз.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман: депутатлик гуруҳимиз томонидан кўплаб ижобий ишлар амалга оширилган бўлса-да, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, ногиронлиги бўлган шахсларга зарур шароит яратиш, автомобиллар турар жойлари ташкил қилиш, пиёдалар йўлакчасини қуриш устувор вазифа ҳисобланади. Ана шундай камчиликлар



бартараф этилса, одамлар бизга эргашади. Партиямизга бўлган ишонч ошиши табиий. Шундагина кўзланган асл мақсадга эришган бўламиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

СПОРТ

ДУНЁ ШАХМАТЧИЛАРИ – САМАРҚАНДДА

► (Давоми. Боши 1-бетда)

ПАРИЖДАН БОШЛАНГАН БАҲСЛАР

Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси бир асрлик тарихга эга. 1924 йилги Париж ёзги Олимпия ўйинлари шахмат тарихида бўрилиш нуқтасини ясади. Ташкилотчилар шахматни спорт тури сифатида эътироф этган бўлса-да, иштирокчиларнинг «ҳаваскор» ёки «профессионал» мақоми бўйича юзага келган тушунмовчиликлар жиддий баҳсларга сабаб бўлди. Бироқ айнан ана шу ташкилий инқироз глобал шахмат ҳамжамиятини ягона мақсад атрофида бирлаштирди — мусобақанинг сўнгги кунида Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) ташкил топди. Шу тариқа, Париждаги баҳсли мусобақа жаҳон шахмат дипломатияси ва ягона қондалар тизимига пойдевор қўйди.

1927 йилда Лондонда ўтказилган илк расмий олимпиада шахматни глобал спорт мақомига кўтарди. 1950 йилдан эътиборан мусобақа ҳар икки йилда мунтазам ўтказиладиган анъанавий турнирга айланди. Гендер тенглиги ва интеллектуал интеграция йўлидаги муҳим қадам сифатида 1957 йили Нидерландияда аёллар ўртасидаги илк олимпиада ташкил этилди, 1976 йилга келиб эса аёллар ва очик турнирлар ягона майдонда бирлаштирилди. Мусобақа ғолибларига топшириладиган эркаклар ўртасидаги тарихий Гамильтон-Расселл кубоги ҳамда аёллар жамоалари учун Вера Менчик кубоги шунчаки мукофот эмас, балки бир асрлик интеллектуал зафарлар ва шахмат маданиятининг рамзи ҳисобланади.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ИЛК ДЕБЮТ

Шахмат ўйинининг энг қадимги илдиэлари айнан Самарқанд замини (Афросиёбдан топилаган VII асрга оид шахмат доналари бунинг далили) билан боғланиши ҳеч кимга сир эмас. Бугун ушбу қадимий кентнинг глобал шахмат марказига айланиши маданий ва тарихий адолатнинг қарор топишидир.

Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси — интеллектуал спорт оламидаги энг нуфузли ва йирик мусобақа. Ушбу қадимий турнир тарихида Марказий Осиё минтақаси илк бор улкан жамоавий баҳсларга мезбонлик қилмоқда. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги турнирлар ёнма-ён ўтказилиб, юзлаб федерацияларни 11 турдан иборат муросасиз баҳсларда бирлаштиради. Дунё тан олган жаҳон чемпионлари ва янги порлаб чиқаётган ёшларнинг бир майдонда учрашуви турнирнинг шиддатини янада ошириши шубҳасиз.

Бу беллашув, албатта, тасодиф эмас. Асрлар давомида Шарқ ва Ғарбни боғлаган, маданиятлар ва илм-фан чорраҳаси бўлган қадимий Самарқанд бугун ақл соҳибларининг глобал пойтахтига айланмоқда. Сўнгги йилларда ўзбек шахмат мактабининг жаҳон аренасида кўрсатаётган феноменал натижалари, хусусан, 2022 йилги Ченнай олимпиадасидаги тарихий ғалабамиз ва ёш



гроссмейстерларимизнинг қетма-кет зафарлари Ўзбекистоннинг ҳақиқий шахмат мамлакатига айланганини халқаро ҳамжамиятга исботлади. Эндиликда юртимиз нафақат кучли шахматчилари, балки жаҳон даражасидаги турнирларни юқори савияда ташкил эта оладиган марказ сифатида эътироф этилмоқда.

САМАРҚАНДДА 200 ДАН ЗИЁД МАМЛАКАТДАН ЖАМОАЛАР

Ҳар қандай йирик халқаро спорт анжуманининг нуфузи, аввало, унинг қамрови ва ташкилий миқёси билан ўлчанади. Худди шундай, Самарқанддаги тарихий мусобақада дунёнинг 200 дан зиёд мамлакатидан гроссмейстерлар, мураббийлар ва шахмат ихлосмандлари иштирок этмоқда. Бундай улкан қамров мусобақанинг Будапешт-2024 рекордини ҳам ортада қолдирди.

Халқаро регламентга мувофиқ, мезбон давлат сифатида Ўзбекистонга мусобақанинг ҳар икки йўналишида 3 тадан, жами 6 та терма жамоа билан иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Тахлилий ёндашадиган бўлсак, бу фақатгина мезбонга берилган ташкилий имтиёз эмас, балки ўзбек шахмат мактабининг захирасини тоблаш учун яратилган бекиёс трамплиндир. Асосий жамоамиз олтин медаллар учун мардонавор кураш олиб борса, иккинчи ва учинчи таркибдаги ёш вундеркиндларимиз жаҳоннинг энг кучли гроссмейстерларига қарши ўйнаб, эртанги чемпионлар авлодини шакллантиришдек муҳим стратегик вазифани ўтайди.

Айтгандай, бундай миқёсдаги турнирни қабул қилиш фақатгина меҳмондўстликни эмас, балки улкан иқтисодий ресурслар ва сиёсий иродани ҳам талаб этади.

АФСОНАЛАР ВА АВЛОДЛАР ТЎҚНАШУВИ

Самарқанддаги олимпиада шунчаки турли давлатларнинг эмас, балки турли даврларнинг, аникроғи, бой тажриба ва шиддатли ёшликнинг ўзига хос тўқнашуви майдонига айланиши кутилаётир. Зотан, бугунги глобаллашув ва компьютер технологиялари асрида шахмат кескин «ёшариб» борапти, бироқ тажриба ўз сўзини айтишдан тўхтагани йўқ. Турнир иштирокчилари рўйхатига кўз югуртирсангиз, гўёки вақт



ўтган тадбирда Вишванатан Ананд билан бир қаторда терма жамоамиз етакчилари — Нодирбек Абдусатторов ва Гулруҳбегим Тохиржонова иштирок этди. Тадбир доирасида Ўзбекистон Шахмат федерацияси раисининг биринчи ўринбосари Алишер Саъдуллаев Янги Ўзбекистоннинг шахмат оламидаги бугунги мақоми ва давлат даражасидаги эътибор ҳақида сўз юритди.

— Биринчидан, олимпиада мезбонлигини қўлга киритганимиз ва 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг Самарқандда ўтказилиши — давлатимиз раҳбарининг шахматга қаратаётган эътибори ҳамда мамлакатимиздаги ушбу спорт турига бўлган улкан қизиқиш самарасидир, - деди А. Саъдуллаев. - Иккинчидан, олимпиада билан бир вақтда FIDE конгресси ва сайловларининг ўтказилиши зиммамизга қўшимча масъулият юклайди. Ҳукуматимиз томонидан ушбу нуфузли тадбирларни ўз бўйнимизга олиб, юқори савияда ўтказишга — Ўзбекистоннинг шахмат оламидаги ўрни, нуфузи ва ўз сўзига эгалигининг амалдари исботидир.

Эътиборли жиҳати, олимпиада бошланишидан олдин кўпчилик бизга «Ўзбекистондан ташқари яна кимларни фаворит сифатида кўряписиз?» деган савол билан юзланмоқда. Бу — бутун дунё Ўзбекистоннинг мутлақ фаворит эканини аллақачон тан олиб бўлганини аңглатади. Албатта, барчамиз ғалаба кутяпмиз ва бизга фақат биринчи ўрин ярашади. Бундай йирик тадбирларнинг мамлакатимизда ўтказилаётгани бежиз эмас. Унинг замирида ҳақиқатан ҳам шахматга қаратилаётган юксак эътибор ва тараққиёт ётибди.

Самарқанддаги интеллектуал фестиваль фақатгина чемпионларни аниқлаш билан чекланмайди. Мусобақанинг энг инсонпарвар жиҳатларидан бири — у билан параллель равишда ногиронлиги бўлган шахслар ўртасидаги 3-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасининг ўтказилаётганидир. Бу лойиҳа ақл-заковат спортида жисмоний чекловлар аҳамиятсиз эканини, мантиқ ва тафаккур майдонида барча инсонлар тенг ва чексиз имкониятларга эгалигини бутун дунёга намоиш этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси қатнашчиларига йўллаган табригидаги "Ишончим комил, мазкур йирик спорт анжуманлари дунё халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамжихатликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Улар Ўзбекистонда шахматни янада оммалаштириш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ва мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиши билан ҳам аҳамиятлидир", деган сўзлар ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ҳа, олдинда бизни икки ҳафталик ҳаяжонли ва муросасиз ўйинлар, "ақл баҳслари" кутиб турибди...

Азим АХТАМОВ,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

ЖАҲОНДА СИЁСАТ

ФИЛИППИН ЖАНУБИДАГИ МОРО ХАЛҚИ ИЛК БОР САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРМОҚДА



Филиппин жанубидаги мусулмонлар яшайдиган Минданао минтақаси Бангсаморо мухтор худуди (BARMM) аҳолиси мухторият қўлга киритилгандан бери илк бор сайловда иштирок этмоқда. Мамлакат етакчи ахборот агентлиги – PNA маълумотига кўра, Бангсаморо Органик қонуни (BOL) асосида ўтказилаётган ушбу овоз бериш жараёнида минтақа парламенти биринчи марта бевосита халқ томонидан сайланмоқда.

Янги парламент ҳозиргача муваққат бошқарувни амалга ошириб келган Бангсаморо ўтиш даври идораси (BTA) ўрнини эгаллайди.

Маълумотга кўра, 5,5 миллионга яқин аҳоли яшайдиган ва асосан мусулмон Моро этносидан иборат мазкур худудда 2,4 миллион сайловчи рўйхатга олинган. 80 ўринли Бангсаморо парламентида сиёсий партиялар пропорционал тизим бўйича 40 ўрин учун кураш олиб борапти. Қолган 40 ўриннинг 32 таси қишлоқ округларига, 8 таси эса Моро бўлмаган маҳаллий тўб аҳоли вакилларига ажратилган. Минтақанинг янги Бош вазири ҳам парламентнинг илк йиғилишида ушбу 80 нафар депутат томонидан овоз бериш орқали сайланади.

ФРАНЦИЯ ҲАМ ЎСМИРЛАРГА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚНИ ТАҚИҚЛАМОҚЧИ

“Italpress” нашри ёзишича, Франция ҳукумати 15 ёшга тўлмаган ўсмирлар ижтимоий тармоқдан фойдаланишини тақиқловчи янги қонун қонун лойиҳасини Европа комиссиясига топширган.

Бу ҳақда мамлакат Президенти Эммануэль Макрон маълум қилди. Унинг таъкидлашича, ушбу ҳужжат август ойи ўрталарида Конституциявий кенгаш билдирган мулоҳаза ва Европа Иттифоқи қонунчилиги талабидан келиб чиқиб пухта қайта ишлаб чиқилган.

Франция раҳбари интернетда вояга етмаганлар ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган мазкур ташаббусни бутун қитъа худудида ягона стандартга айлантириш фикрини илгари сурмоқда. У Европа комиссияси раҳбари билан мулоқотда ҳам муайян чекловни Европа даражасида тезкорлик билан жорий этиш, умуман платформа фаолиятини тартибга солиш қатъий ва устувор вазифа бўлиши кераклигини айтиб ўтди. Шунингдек, у ёш авлодни рақамли маконда ҳимоя қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлаётган ҳамкорларига миннатдорлик билдирди.

Манба: ЎзА

ЭЪЛОН

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши партия маъмурий биносининг 1- ва 3-қават фойсидеа партиянинг 35 йиллик тарихий тараққиёт босқичлари, фаолияти, сайлов жараёнларидаги иштироки, ғоя ва дастурий мақсадларини акс эттирувчи "Партия экспозицияси"ни лойиҳалаш, тайёрлаш ва ўрнатish ишларини амалга ошириш бўйича танлов эълон қилади.

Бунда бионинг 1-қаватида партиянинг 35 йиллик тарихини акс эттирувчи 10 та кўргазма стенди, партия брендлари учун махсус стеллажлар ҳамда 1 та инфокиоскдан иборат экспозиция, 3-қаватда партиянинг Курултойлари, Марказий Кенгаш раҳбарлари, партия раъзалари тарихи акс этирилган 15 та стендлар, махсус стеллажлар, шунингдек, партия фаолиятига оид фото лавҳалардан иборат 3*2.25 м ҳажмли деворий экспозиция ташкил этилади.

Тижорат таклифлари 2026 йил 30 сентябрь кунига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/3.

Изоҳ: танлов савдоларида қатнашиш истагини билдирган корхона ва ташкилотлар қўшимча техник маълумотларни (71) 239-19-73 телефон рақами орқали олишлари мумкин.

MUASSIS:



O‘zbekiston Ovozi

TAHRIIR HAY’ATI:

Ulug‘bek INOYATOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 937. 3730 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 22:30

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.